



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

COPY RIGHT



2020 IJIEMR. Personal use of this material is permitted. Permission from IJIEMR must be obtained for all other uses, in any current or future media, including reprinting/republishing this material for advertising or promotional purposes, creating new collective works, for resale or redistribution to servers or lists, or reuse of any copyrighted component of this work in other works. No Reprint should be done to this paper, all copyright is authenticated to Paper Authors

IJIEMR Transactions, online available on 2nd Nov 2020. Link

<http://www.ijiemr.org/downloads.php?vol=Volume-09&issue=ISSUE-12>

DOI: 10.48047/IJIEMR/V09/I12/04

Title: Кўқон хонлиги ўтроқ аҳолисининг ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги роли

Volume 09, Issue 12, Pages: 16-19

Paper Authors

Йўлдашев Икромжон Турсунович, Рузматова Шаходат Абдукахаровна



USE THIS BARCODE TO ACCESS YOUR ONLINE PAPER

To Secure Your Paper As Per **UGC Guidelines** We Are Providing A Electronic Bar Code



Қўқон хонлиги ўтрок аҳолисининг ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги роли.

¹Йўлдашев Икромжон Турсунович, ²Рузматова Шаходат Абдукахаровна

¹Тарих фанлари номзоди, доцент Қўқон давлат педагогика институти Тарих факультети
“Тарих” йўналиши кафедра катта ўқитувчisi тел.: 97 597 97 54

²Қўқон давлат педагогика институти Тарих факультети “Тарих” йўналиши кафедра ўқитувчisi тел.:
90 566 88 81
эл. почта gulnozkspi@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада Қўқон хонлигига ҳунармандчиликнинг ривожланиши ва бугунги кунда уларнинг давомчиси сифатида фаолият олиб бораётган ҳунармандлар тўғрисида маълумотлар мавжуд.

Калит сўзлар: тақачилар, темирчилар, аравасозлар, тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, дурадгорлик, Қўқон, Марғилон, Ўш, Чуст, Риштон, атлас, банорас, ипак, кашта, ганч, кандалкорлик.

Шаҳарнинг вужудга келишида ҳунармандчиликнинг катта аҳамияти борлиги тарихдан маълум. Қўқон шахри муҳим карвон йўллари чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу ерларда ичимлик суви, гулхан учун ўтин мўл бўлган. Бу манзил орқали карвонлар кўп ўтган. Карвонларга хизмат кўрсатиш учун бу ерга ҳунармандлар: тақачилар, темирчилар, аравасозлар, эгар-жабдуқ ва от асбобларини тузатадиган усталар, нонвойлар ҳамда бошқа соҳа эгалари келиб ўrnashganlar. Уларнинг манзили аста секин кенгайиб шаҳарга айланган. Ҳунармандчилик тараққий этиб унинг айрим турлари санъат даражасига етган.

Ҳунармандчилик айниқса Қўқон хонлик пойтахтига айлангандан сўнг тез ривожланди. Тарихий маълумотлар ва хужжатлар таҳлили шуни кўрсатадики шаҳарда XIX асрда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 250 дан ортиқ касб ҳунар тури мавжуд бўлган. 40 дан зиёд маҳалла касб ҳунар номи билан аталган, зеро ҳунармандларнинг аксарияти алоҳида маҳаллаларда истиқомат қилганлар[1]. Саноат тараққиёти четдан арzon саноат маҳсулотларининг кўплаб келтирилиши туфайли бир қанча ҳунар турлари синиб ҳунармандлар бошқа тирикчилик манбаларини излашга мажбур бўлганлар.

Исо Жабборовнинг “Ўзбеклар” номли асарида 1897 йили биринчи аҳолини рўйхатга олиш вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми

ҳунармандлар бўлганларни айтиб ўтилади. Жумладан, Наманган аҳолисининг 64 фоизи, Қўқоннинг-52 фоизи, Чустнинг-54 фоизи, Марғилоннинг-50 фоизи, Андижоннинг-45 фоизи, Тошкент ва Самарқанд аҳолисининг 29 фоизи мустақил касб ҳунар эгаси ҳисобланган хўжаликлардан иборат бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[2].

XIX асрда ҳунармандчиликнинг тўқимачилик, кулолчилик, темирчилик, мисгарлик, дурадгорлик ва бошқа турлари мавжуд бўлган. Ҳунармандчилик соҳаси хонликнинг Қўқон, Наманган, Чуст, Андижон, Марғилош, Ўш, Хўжанд, Туркистон, Тошкент каби шаҳарлари ва айрим қишлоқларида яхши ривожланган.



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

Кўқон хунармандлари томонидан тайёрланган ипак матолар ўзининг пишиқлиги, чиройлилиги ва арzonлиги билан ажралиб турган. Шу боис бу матолар харидоргир бўлиб, ҳатто Европа мамлакатларида ҳам ўз мижозларига эга бўлган[3].

Хунармандчиликнинг ривожида, айниқса, Кўқон шахри муҳим ўрин тутган. 1876 йилда Кўқонда 1 та гишт пиширадиган хумдон, 276 та шойи тўқиши ва 428 та ип газлама тўқиши дастгоҳи, 67 та қўнчилик корхонаси, 5 та тегирмон, 5 та обжувоз ва бошқа хунармандчилик шаҳобчалари фаолият кўрсатган[4].

Кўқон хонлиги хунармандчилигининг ривожланишида Марғилон шаҳрида ишлаб чиқарилган ипак матолар алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Айниқса Марғилонда абр (форсча-булут, булутсимон) нусхали матолар енгил, нафис ва рангларининг тиниқлиги билан ажралиб турган. Бундан ташқари ипакдан бекасам, банорас, шойи, нимшойи, атлас, адрас каби матолар ҳам тўқилган. Матоларга гул босища табиий бўёклардан фойдаланилган. Қадимий анъаналардан ҳисобланган матога қолип билан гул босиши усули сақланиб қолган. Матоларни бўяшда анор пўсти, пиёз, ёнғоқ пўстлоғи каби табиий ранглардан фойдаланилган.

Кўқонда хунарманд косибчилик мазмунан бой ва серкиррали бўлган. Булар: мисгарлик, заргарлик, ўймакорлик, харбий курол ишлаб чиқариш, сопол ва кўзагарлик, қоғозгарлик, бадиий тўқимачилик, дўупчилик, каштачилик, кўприксозлик, темирчилик ва шу кабилар[5]. Уларнинг сони кўп бўлган, булардан ташқари хонликда қазиб олинаётган ер ости бойлиги ҳам бўлган. Аммо уларни ишлаб

чиқариш шунчалик содда ва кам эдики, улар эҳтиёжни қондира олмасди[6].

Хонлик аҳолисининг асосий маҳсулотларидан яна бири ипакчилик бўлиб, ипак ва ипак матолар мамлакатнинг ташқи савдодаги асосий маҳсулотларидан бири эди. XIX аср 60-йиллари охирларида Кўқон ва Марғилоннинг ўзида 900 га яқин хонадон ипакчилик билан шуғулланган бўлиб, ҳар бир оиласада 1 тадан 3 тагача тўкув дастгоҳи бўлган[7].

Амалий санъатнинг қўхна турларидан бири каштачилик ҳисобланиб, худудимизда тикилган сўзана, чойшаб, палак, гулкўрпа, дўппи каби санъат дурдоналари бутун жаҳонга машҳур бўлган.

Рус манбаларида айтилишича, хонликдаги асосий ишлаб чиқарувчи куч хотинлар бўлган. Улар “пахта ва ипак йигириб, улардан турли хил газламалар тўқиб оиласи ва бозор учун кўйлак ва бошқа кийимлар тикишган. Эркаклар эса асосан кулолчилик, қўнчилик билан шугулланишган. Шаҳарларда, айниқса Кўқонда эса тери ва Осиё идишларини (чойнак, қозон, тарелка) жуда яхши тайёрлайдиган усталар кўп бўлган. Кумушчилар ҳам бор. Улар эгар учун анжомларни ва бошқа буюмларни мохирона тайёрлаганлар[8].

Аҳолининг турмуш тарзига сиёсий барқарорлик, иқтисодиётнинг ривожланиши, табиат қонунлари ҳам таъсир этган. Бундан ташқари Кўқон хонларининг аҳолини сув иншоотларини қурилишига жалб қилиши, янги ўзлаштирилган ерларга кўчманчи аҳолининг биритириб қўйиши ҳам сабаб бўлган[9].

Тарихий манбаларга кўра, хонликдаги уй хунармандчилигининг



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

асосий ишлаб чиқарувчилари аёллар бўлган. Улар пахта ва ипак йигириб, улардан турли хил газламалар тўкиб оиласи ҳамда бозорда сотиш учун кўйлак ва бошқа кийимлар тикишган. Эркаклар эса кулолчилик, кўнчилик билан шуғулланганлар. Шаҳарларда, айниқса, Кўқонда тери ва Осиё идишларини жуда яхши тайёрлайдиган усталар кўп бўлган. Улар эгар анжомларини ва бошқа буюмларни ўта усталик билан тайёрлаганлар. Қуролсозлар у қадар моҳир бўлишмаган. Дараҳт кам ишлатиларди: улардан тайёрланган буюмлар бироз сифатсизроқ бўлган. Кўқонда порох ишлаб чиқариш ишлари хусусий шахслар қўлида бўлиб, унинг 6.5 фунти 3 тангага сотилган[10].

Арминий Вамбери хонликдаги бир неча шаҳарларга таъриф берган: Тошкентдан кейинги муҳим шаҳарлардан бири Хўжанд ҳисобланиб, бу ерда 5 мингга яқин уй, кўплаб алача тайёрлайдиган фабрикалар, 15 та мадраса ва икки баробарга кўп масжидлари бўлган; Марғilon-катта шаҳар, кўқонлик олимларнинг шаҳри, Маҳдуми Аъзам фирмасидаги Хўжа Бузрук яшаётган худуд ҳисобланган; Андижон-хонликдаги энг яхши атласни ишлаб чиқарган; Наманган атрофида асосан қипчоқлар яшаган; Шаҳри-Манзил ва Чуст шаҳарлари-бу ерда машҳур пичоқлар ишлаб чиқарилган, Туркистонда бу пичоқлар ҳисор пичоқларидан кейин турган; Шаҳрихон-энг аъло ипаклари билан машҳур бўлган; хонликнинг шарқий худудида Ўш шаҳри жойлашган бўлиб, яна бир номи “Тахти Сулаймон”, ҳар йил зиёрат қилувчилар билан тўла бўлади[11] деб таъриф бериб ўтади.

Кўқон хонлиги аҳолиси нафакат қадимда балки бугунги кунда ҳам моҳир

хунарманд ҳисобланиб, устачилик сирларини авлоддан авлодга етказиб келмоқдалар. Қуйида Кўқон хунармандчилигининг баъзи-бир турлари ҳақида маълумот берамиз.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, барча соҳаларда бўлгани каби, амалий санъатнинг ёғоч ўймакорлиги турига бўлган эҳтиёж, талаб, қараш ўзгариб борди. Тарихий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш, янги хусусиятлари билан бойитишига алоҳида аҳамият берилди.

19-аср охирларида Кўқон ёғоч ўймакорлиги мактабига “Ҳайдар Фаранг” таҳаллусига эга бўлган Ҳайдарали Нажмиддинов раҳбарлик қилди. Унинг илмини ўғли – Қодиржон Ҳайдаров давом эттириди. Кўқон мактаби фаолиятининг энг тараққий этган даври ҳам Қодиржон Ҳайдаров фаолияти билан боғлиқдир. У ўз санъати ва устозлик фаолиятини билан Кўқон ёғоч ўймакорлиги санъати заминида “Қодиржон Ҳайдаров мактаби”ни яратди.

Ушбу хунар турини Қ.Ҳайдаровдан ўрганиб, маромига етказиб, ўз йўналиш, ўзига хос ижоди билан давом эттирган кўқонлик машҳур усталардан бири Абдуғани Абдуллаевдир. Моҳир ўймакор уста, Ўзбекистон халқ устаси, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдуғани Абдуллаев ўз ҳаёти давомида устозидан олган сабоқлари натижасида буюк унвонларга сазовор бўлганлар. Шогирд бўлган давридан бошлаб, устози Қ.Ҳайдаров билан ёнма-ён меҳнат қилиб Тошкентдаги “Фарғона” чойхонаси, Истиқлол санъат саройи, “Зараф-шон” ресторанидаги ўймакори нақшли панжара, дарвоза, эшикларни ишлаган.

Уста А.Абдуллаев 1983 йилдан мустақил фаолият кўрсатган. Илк бор



International Journal for Innovative Engineering and Management Research

A Peer Reviewed Open Access International Journal

www.ijiemr.org

Олим Хўжаев номидаги театр биноси учун 20 дан ортиқ ўймакор эшик, дарвоза, панжараларни тайёрлаган. Қарши театри ва бошқа бинолар учун нозик ислимий ўйма нақшлар билан безатилган устун, эшик, дарвоза, панжаралар яратган. Бухорий ёдгорлик мажмуидаги ёғоч ўймакорлиги ишларига раҳбарлик қилган, шогирдлари билан бирга шарафалар, хофузаклар тайёрлаган, айвонлар шифтини вассажуфт ёниш, ўймакори устунлар яра-тишда юксак маҳоратга эга. Шунингдек, уста Тошкентдаги “Хотира майдони” (1999 йил)даги айвонларнинг ўйма нақшли устунларини миллий меъморлик анъаналари асосида безаган.

Ёғоч ўймакорлиги санъати Кўқон мактаби фаолиятини ҳозирги кунда Қ.Ҳайдаровнинг набиралари – Мирзаусмон, Мирзаюнус, Хасанжон Умаровлар ва уларнинг фарзандлари: Шамсиддин, Жаҳонгир, Отабек, Жамшид, Абдулхаким, Абдурахмон, Абдулазиз ва Шахобиддинлар давом эттиромоқдалар.

Ёғоч ўймакорлиги санъат намуналарини Кўқон Маданияти ва тарихи Давлат музейи ва барча музей филиалларида кўришимиз мумкин. Қодиржон Ҳайдаровнинг ижодига мансуб асарлар Кўқон ўлкашунослик музейи, Тошкентдаги Цирк ва “Алпомиш” спорт зали ҳамда Ўзбекистон Давлат санъат музейи шунингдек, доимий ҳаракатдаги Ўзбекистон амалий санъати кўргазмаси, музей мажмуаси ва коллекцияларини безаб турибди.

Хулоса қилиб айтганда, Кўқон ахли қадимдан моҳир хунарманд бўлган. Бугунги кунда археологик қазишималар натижасида топиб ўрганилган ашёлар ҳам бунинг яққол исботидир.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мухаммад Яхёхон Хўқандий. Худоёрхон Ўрдаси. Наманган, “Наманган”. 2016 й. Б.-177.
2. Исо Жабборов. Ўзбеклар. Тошкент, “Шарқ”. 2008 йил. Б. 57.
3. ЎзР ДА, И. Фонд-1, Опись-12, дело-1583, стр.-69.
4. ЎзР ДА, И. Фонд-276, Опись-1, дело-123, стр. 25-26.
5. X. Н. Бобобеков. Кўқон тарихи. Т.; “Фан” 1996 й. Б. 100.
6. X. Н. Бобобеков. Кўқон тарихи. Т.; “Фан” 1996 й. Б. 102.
7. Мадрахимов З. Ш. Кўқон хонлигига савдо муносабатлари. Тарих фан. Ном. Дисс. Тошкент, ЎзМУ, 2009й. Б-35.
8. X. Н. Бобобеков. Кўқон тарихи. Т.; “Фан” 1996 й. Б. 103.
9. Б. М. Бабаджанов «Кокандское ханство: власть, политика, религия». Токио-Ташкент, 2010 г.
10. Насиржон Топилдиев. Кўқон хонлиги ва Россия империяси тарих чорраҳасида. Тошкент. Академнашр. 2012 й. Б. 111-112.
11. Арминий Вамбери. Путешествие по Средней Азии. Российская академия наук Институт востоковедения. Стр. 205-206.